

Bag'rikenglik va insonparvarlik madaniyatini rivojlantirish, millatlararo va fuqarolararo hamjihatlik va totuvilki mustahkamlash, yosh avlodni Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida tarbiyalash O'zbekistonda davlat siyosatining eng muhim ustuvor yo'nalişlariidan biri etib belgilandi.

Shavkat MIRZIYOYEV



ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqsa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 4-oktabr, chorshanba № 79 (9040)

ТУРИЗМНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда туризмни изил ривожлантириш истиқболлари, сайдохлик объектларидан самарали фойдаланиши, кўрсатилётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буорәётган сайдохлар оқимини кўяптириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йигилиши ўтказди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Баш вазири ўринbosari, тегиши вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Бугунги кунда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўлмали ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириша қаратилган.

Туризм – иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур, буни даврнинг ўзи тақозо этмокда, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёёр учун кулай мамлакат. Чунки она заманинмизда бутун дунёга маъум ва машҳур бўлган аждодларимиз мангу кўним топган. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросга ҳалқаро майдонда кизишиж жуда катта. Соҳани янада ривожлантириш, аввало, зарур инфраструктурни такомиллаштириш шарт. Биринччиси, транспорт, иккинчлиси логистика, деб таъкидлари Президентимиз.

Йигилишда қайд этилишича, 2017 йилнинг 9 ойи якунга кўра, карийб 1 миллион 800 минг сайдохлик юртимизга келган. Бу 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 17 foiz kўпdir. Мамлакатимизда сайдохлик хизматлари экспорти ҳам 17 foiz kўпdir, 1 миллиард 86 миллион долларни ташкил кўлган. Йил охирига қадар мамлакатимизга ташриф буорувчи сайдохлар сони 2,5 миллиондан ошири кутилмоқда.

(Давоми 6-бетда.)

Ma'rifat

Kuch – bilim va tafakkurda

ҚИРГИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев 2017 йил 5-6 октабр кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ўзбекистон Президентининг 5-6 сентябрь кунлари Қирғизистонга давлат ташрифи чоғида бўлиб ўтган олий даражадаги мулокотнинг давоми сифатида икки давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қиладилар, миңтақавий ва ҳалқаро сиёсатнинг дол-

зарб масалалари бўйича фикр алмашади.

Давлат раҳбарлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон ва Қирғизистон саноат маҳсулотлари кўргазмасига ташриф буюрадилар.

Музокаралар якунлари бўйича Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Кўшима декларацияни қабул қилиши кутилмоқда.

Ташриф доирасида турли соҳаларда ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга қартилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИRLARI ТЎҒРИСИДА

Мактабгача таълим соҳаси узлусиз таълим тизими-нинг бирларидан бўғини хисобланбиз, у ҳар томонлама соглом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда фоят мухим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида республикада таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёса-

тининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилиди. Бирок ўтказилган таълиmlар мактабгача таълим соҳасида олиб бораилаётган ишларнинг самараси ва натижаси етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

Жумладан, сўнгти 20 йил давомида давлат тасарру-фидаги мактабгача таълим мусассасалари сони 45 фо-

издан зиёдроқ камайган бўлиб, бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 30 foизни ташкил этади. Шунингдек, мактабгача таълим мусассасаларининг маддий-техника базаси замонавий талабга жавоб бермайди.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

«КУРАШ» МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИRLARI ТЎҒРИСИДА

Кейинги йиллarda асрлар давомида мардлик, бағрикенглик, олижаноблик ва ҳалоликлининг тимсоли сифатида эъзозланбиз келинган, ўзбек халқининг тарихий мероси – «Кураш» миллий спорт турини (кейинги ўринларда кураш деб юритилади) қайта ташкилаш алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимизнинг бевосита кўллаб-кувватлаши натижасида кураш ҳалқаро спорт тури сифатида кенг эътироф этилди, «кураш», «халқ», «тавзим», «тұхта» ва «ёнбаш» каби атамалар эса ҳалқаро спорт луғати таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

1998 йил 6 сентябрда таъсис этилди.

ган Кураш ҳалқаро ассоциацияси бугунги кунда сайёрамизнинг бешта китъасидаги 129 та миллий федерацияни бирлаштирган.

2010 йилда Кураш ҳалқаро ассоциацияси Олимпия ўйнлари дастурига кириштари учун бирорта беришда муҳим талаб хисобланған Жаҳон допингга қарши агентлелгининг эътирофига сазовор бўлди.

2017 йил 20 сентябрда Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Осиё Олимпия кенгашининг 36-Бош ассамблеясидаги «Кураш» миллий спорт тури тарихида илк бор XVIII ёзги Осиё ўйнлари дастурига расман киритилди.

(Давоми 4-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5198-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳамда мактабгача таълим мусассасаларининг давлат ва нодавлат тармоқларини янада кенгайтириши, давлат ва нодавлат мактабгача таълим мусассасалари ўртасида соглом рақобат муҳитини шакллантириши шароитларини яратиш, давлат ва ху-

сусий сектор шериклиги шартла-рида мактабгача таълим мусассасаларининг янги шаклларини жорий этиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазириғига фаолиятини самарали ташкил этишини таъминлаш мақсадиди:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазириғигининг ташкилий тузилемаси 1-иловага мувоғиғ;

(Давоми 3-бетда.)



«Таълим ва мутахассислик» кўргазмаси

ёшларга янги имкониятлар эшигини очди

7-бет

Kelajakka baxt
eshigin och, Qomusim!

O'zbekiston xalq shoiri Iqbol Mirzo Bosh Qomusimizdagagi moddalarning mazmunini ifodalashga ko'naklashuvchi nazmiy sharhlari bitib, uni bolajonlar e'tiboriga havola etdi.

8-9-бетлар

Ўзбек
кураши
жаҳонни
лол
қолдирди!



15-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮГРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мактабгача таълим тизимида вариатив дастурлар жорий этилмаган, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича муқобил, мослашувчан моделлар етарли даражада ривожланмаган ҳамда тараққий этган мамлакатлар сингари ихтиёмий, шахсий, хиссий, нутқий, математик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш, атроф-муҳит билан танишувга йўналтирилган маҳсус давлат таълим дастурлари татбик килинмаган.

Давлат мактабгача таълим муассасаларида фоалият юритаётган педагог кадрларнинг аксарияти ўрта маҳсус маълумотга эга бўлиб, бу болаларни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермайди.

Бундан ташкири, мактабгача таълим сифати мониторингини юритиш тузилмави в ташкилини жиҳатдан назарда тутилмаганлиги сабаби мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнинг сифати ва самарадорлигини баҳолаш замон талабларига жавоб бермайди.

Хорижий давлатлар илғор тажрибасининг таҳлили замонавий мактабгача таълим муассасаларида мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш учун шароитларни яратиша йўналтирилганлиги билан тавсифланиб, болаларни имкониятларини нағоён қилиш, унинг ҳар томонлами шахсга оид мънавиий-ахлоқий ва онгли ривожланиши, мактабгача ёшга оид тегишли фаолият турлари асосида ташаббускорлиги ва ижодий кобилиятларини ривожлантиришга, мулоқот доирасида катта ёшдагилар ва тенгдошлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини очишига қаратилган.

Узлуксиз таълим тизимининг мухим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқарув тизимини яратиш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан та-

минлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамрап олишини кескин ошириш, таълимтарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш максадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда уларнинг туман(шаҳар)лардаги бўлимлари ташкил этилсин.

2. Куйдагилар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

Биринчидан, мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Иккинчидан, илғор хорижий тажрибани хисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

Чинчидан, республикада давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари орасида соглом рақобат мухитини яратиш хисобига барча болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига босқич-ма-босқич қамрап олинишни таъминлаш учун муносиб шароитлар яратиш, кўнгилочар ва билим берувчи машгулотлар элементлари бўлган, ҳажмлари ва интенсивлиги асосий тиббий тақдимномалар билан белгиланувчи сарҳаракат ўйинлар ва машқлар ўюшириш;

Тўққизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаётни ва соглигини химоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштириш.

3. Идоравий мансублигидан қатъни назар, барча давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимига белгиланган тартибида ўтказилсин.

4. Белгилансини:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим соҳасидаги барча хуқуқ ва мажбуриятлари бўйича хукуқий вориси хисобланади;

методик, дидактик материаллар, ўйин ва ўйинчлар, бадиий адабиётлар билан мактабгача таълим муассасаларини таъминлаш;

Олтинчидан, замонавий педагогик технологиялар ва методларни хисобга олган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини професионал дараҷада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

Еттингчидан, мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рафтагантириш тизимини яратиш ва тажрибали, ҳокими ошириш институти (кейинги ўринларда Институт деб юритилади) ташкил этилсин ва у Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги таркибига киритилсин ҳамда унинг зиммасига илғор хорижий тажриба асосида мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (кейинги ўринларда Институт деб юритилади) ташкил этилсин ва у Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги таркибига киритилсин ҳамда унинг зиммасига илғор хорижий тажриба асосида мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар ва мутахассисларидан замонавий менежмент ва педагогик технологиялар бўйича соҳага оид билимлар ва қўнікмаларни шакллантириш вазифалари юклатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мактабгача таълим тизими тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари түгрисида"ги 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли қарор билан тасдиқланган Мактабгача таълим тизими таъминни таъминлаштириш чора-тадбирлари түгрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини ташкил этиш түгрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари лойиҳаларини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда белгиланган тартибида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш түгрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини ташкил этиш түгрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари лойиҳаларини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда белгиланган тартибида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда иккى ой муддатда қонун хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар түгрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросиниз назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчisi А.Н.Юнусходжаев ва халқ таълими вазири У.И.Инотов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 30 сентябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТҮГРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг бошқарув ходимлари чекланган сони 47 нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилемаси 2-иловага мувофиқ;

Корақалпогистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг тузилемаси 3-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларининг намуниявий тузилемаси 4-иловага мувофиқ;

Туманлар (шаҳарлар) мактабгача таълим бўйимларининг намуниявий тузилемаси 5-иловага мувофиқ;

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тузилемаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлига, зарур холларда, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг марказий аппарати тузилемасига, Коракалпогистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларини ҳамда Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси тузилемасига, Коракалпогистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бош бошқармаси тузилемасига, Коракалпогистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари, туман(шаҳар)лар мактабгача таълим бўйимлари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ва конун хужжатларида тақиқланмаган бошқарма манбалар ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари, туман(шаҳар)лар мактабгача таълим бўйимлари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарорни амалга ошириш харажатлари учун 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг "Ихтимой соҳа" учун назарда тутилган параметрлари доирасида маблағлари ажратсан, 2018 йилдан бошлаб эса ҳар йили зарур бюджет маблағлари ажратишни назарда тутишсан;

ушбу қарордан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2017 йил учун тасдиқланган харажатлари сметасига тегишли ўзгартиришлар киритсан;

Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги асосий макроитисодий кўрсатчилари прогнози ва давлат бюджети параметрларини ишлаб чиқища мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорларига тегишли ўзгартириш-

лар киритиш юзасидан тақлиф кирилсан;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг марказий аппаратига 4 та, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг худудий бўлнимларига 14 та енгил хизмат автотранспорт воситаларини сақлашга лимит ҳамда уларнинг хариди учун зарур бўлган маблағларни ажратсан;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва овқатланиш мебъёрларни ривожланган мамлакатлар тажрибасини хисобга олган холда кўтиб чиқсан ҳамда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб янгиланган овқатланиш мебъёрлари ва республиканинг барча мактабгача таълим муассасаларида ушбу қарор ижросининг тизимли мониторинги жорий этилишини таъминланасин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятида зарур бўлган алоқа воситалари, шу жумладан, хукумат алоқа воситаларини ўрнатишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг марказий аппарати Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-йуда жойлаштирилсан.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларини билан биргаликда икки ҳафта муддатда Коракалпогистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда туманлар (шаҳарлар) мактабгача таълим бўйимларини бинолар алоқа зарур бўлган хоналар билан таъминланасин.

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги "Мактабгача таълим методикаси" журналини (кейинги ўрниларда - Журнал деб аталади) таъсис этисин.

Мактабгача таълим тизимида жорий этилаётган илгор педагогик ва инновацион технологияларни, соҳада амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устуви йўналишларини атрофлича ёритиб бориш, соҳага доир қабул килинган норматив-хукукий хужжатлар ва давлат дастурларини шарҳлаш ва тушуниши журнالнинг асосий вазифалари этиб белгилансин.

Журнал таҳририяти фаолиятини молиялаштириш журнالни сотишдан тушадиган маблағлар, хомийлик маблағлари, конун хужжатларида тақиқланмаган бошқа

маблағ ва манбалар хисобидан амалга оширилиши белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги иккى ой муддатда:

Софлини сақлаш вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида кўлланилаётган овқатланиш мебъёрларини ривожланган мамлакатлар тажрибасини хисобга олган холда кўтиб чиқсан ҳамда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб янгиланган овқатланиш мебъёрлари ва республиканинг барча мактабгача таълим тизими ходимларининг ихтимой муҳофазасини такомиллаштириш мақсадида иккى ой муддатда мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига тақлифлар кирилсан;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасалари учун ўқув тарбияяланувчилари учун ўргатувчи ва ривожлантирувчи китоблар тайёрланиши, шунингдек, уларнинг нашр этилиши, доимий равишда молиялаштирилиши ва давлат мактабгача таълим муассасаларига етказиб берилишини назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсан ва тасдиқлаш учун Вазирлар Махкамасига кирилсан;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда таълим миллий тилларда олиб бориладиган мактабгача таълим муассасаларининг ўқув тарбия яраёнида инглиз ва рус тилида олиб бориладиган мактабгача таълим муассасаларининг ўқув тарбия яраёнида инглиз ва ўзбек тилларини ўрганишини жорий этишни таъсисидан тақлифлар тайёрласин;

"Ўзстандарт" агентлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида фойдаланилаётган, биринчи навбатда болаларнинг интеллектуал ва англаш қобилияtlарини ривожлантиришга қаратилган ўйин ва ўйинчоқларнинг давлат стандартларини ишлаб чиқсан;

"Ўзстандарт" агентлиги, Соғлини сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида ўқув тарбия яраёнини ташкил этиши ва зарур шарт шароитларни яратиш учун таълимга кўйиладиган давлат талаблари асосида ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш мебъёрларини ишлаб чиқсан ва тасдиқласин;

Савдо-саноат палатаси билан биргаликда болалар ўйинлари ва ўйинчоқлари бўйича давлат

буюртмасини миллий ишлаб чиқарувчилар орасида тақсимлаш бўйича 2018–2023 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсан.

9. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитасининг статистик ахборотлари тарқатилиши маҳбuriй бўлган ташкилотлар рўйхатига кирилсан.

10. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим тизими ходимларининг ихтимой муҳофазасини такомиллаштириш мақсадида иккى ой муддатда мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига тақлифлар кирилсан;

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни;

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги бир ой муддатда:

Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари тўғрисидаги наимуниявий низомни тасдиқласин.

13. Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши бир ой муддатда Коракалпогистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирларлар ва идоралар билан биргаликда иккى ой муддатда конун хужжатларига ушбу қарордан келиб чикадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига тақлифлар кирилсан;

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасиининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.И.Иноятов зими масига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 30 сентябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" ги қарорига шарҳ

Узлуксиз таълим тизими-нинг таркибий қисми хисобланган мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим ҳамда педагогог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш бўйича мақсадли чора-тадбирлар амала оширилди.

Кузатишлар хулосасига кўра, Ҳалқ таълими вазирлигининг давлат бошқаруви ва маъжалий хокимият органлари билан ҳамкорликдаги фаолияти аксарият ҳолларда мактаб таълимиминг ривожлантириш билан чекланил қолмоқда.

Шу нутказ назардан бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларни фаолиятини тубдан яхшилаш, мактабгача ёшдаги болалар қамровини ошириши, илгор хорижий тажрибани ўргангандан ҳолда, ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратиш масаласи долзарблигча қолмоқда.

Болаларнинг қизиқини ва интилишини ҳисобга олган ҳолда, уларга мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим-тарбия бериш, дунёкаршини кенгайтириши, мустақил фикрларни қўйишини ривожлантириш, қалби ва онгига миллий ва умумисоний қадрларни сингидриб бориши орқали уларни она Ватанга мұхаббат руҳидан камол топтириш масаласи давр таблибдан ортда қолаётгани сабабли мактабгача таълимиминг бошқарув тизими қайта кўриб қишиши тақозо этмоқда.

Фарзандларимизнинг мактабда қандай ўқиши, юксак мақсадлар билан камол топиши кўн жиҳатдан мактабгача таълимни муассасасидаги тарбияга боғлиқ. Илмий кузатишлар ва тадқиқотлар шуни кўрсатади, инсон умри давомида оладиган барча ахборотнинг 70 фойзини 5 ёшгача бўлган даврда олиши айнан бора шахсингин ривожланшида мактабгача таълимиминг ўрни нечогли муҳимлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 16 августан куни ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш, мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, тизимнинг бошқарув тизимасини ташкил этиш, мактабгача таълим муассасаларига 5-6 ёшли болаларни 100 фоиз қамраб олиш чораларни белгилана мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" ги қарори кабул қилинди.

Мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш максадида қарорда қўйида гент кўллами тадбирларни амала ошириш кўзда тутилган:

мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини

амалга ошириш, мактабгача таълимни ҳар томонлама ривожлантириш, тарбияланувчи-ларнинг билими ва маънавий ахлоқий дараражасини янада юксалтириш;

"Таълим тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси конуни мактабгача таълим қисми бўйича амала оширишга доир конун ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва" уларга риоз этилишини назорат килиш;

мактабгача таълимимга ўйни-лайдиган давлат талабарига биноан, мактабгача таълим мувафиқлаштириш ҳамда методик раҳбарлик килиш;

ўкув-тарбия жаҳаёнiga ўқитишининг замонавий илгор шаклларини, янги педагогик ва ахборот технологияларини таълим-тарбиянинг самарали шаки ва усусларини жорий этиш;

мактабгача таълим муассасаларида ёш болаларни миллий ва умумисоний қадрлар, инсонпарварлини ва юксак маънавият руҳидан тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига мустақиллик, миллий ўзликни англаш ғояларини янада чукур сингидириш, "оммавий мадданият" кўринишидаги ёт ғояларга қарши иммунитетини мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирларни амала ошириш;

мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва

уларнинг фаолияти самара-дорлигини ошириш;

педагог ва раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш жаҳаёнини самарали ташкил этиш, бунда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибасидан фойдаланиш, таълим муассасаларини юқори мактабгача таълим ҳар томонлама ривожлантириш, тарбияланувчи-ларнинг билими ва маънавий ахлоқий дараражаси янада юксалтирилади;

мактабгача таълим тизимини ривожлантириш қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш орқали мактабгача таълим ҳар томонлама ривожлантириш, тарбияланувчи-ларнинг билими ва маънавий ахлоқий дараражаси янада юксалтирилади;

ўкув-тарбия жаҳаёнiga ўқитишининг замонавий илгор шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини таълим-тарбиянинг самарали шаки ва усуслари жорий этиш;

мактабгача таълим муассасаларида давлат талаблари бажарилишининг тизимли мониторингини олиб бориш;

халқaro алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг таълим соҳасида зришган ютуқларини конференциялар, кўргазмалар ва бошқа тадбирлар орқали халқaro даражада кенг тарбиф килиш, ҳалқ таълими тизими ташкил этиш;

нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш, улар ўртасида соглем ракобатни шакллантириш ҳамда таълим хизматлари турларини кўпайтириш;

Карор билан белгиланган вазифаларнинг амала оширилиши натижасида:

мактабгача таълим тизимини ривожлантириш учун алоҳида эътибор қаратилиб, энг илгор хорижий тажрибасидан асосида ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратилади;

мактабгача таълим тизимини ривожлантириш қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш орқали мактабгача таълим ҳар томонлама ривожлантириш, тарбияланувчи-ларнинг билими ва маънавий ахлоқий дараражаси янада юксалтирилади;

ўкув-тарбия жаҳаёнiga ўқитишининг замонавий илгор шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини таълим-тарбиянинг самарали шаки ва усуслари жорий этиш;

болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакли бўлгани киска муддатни гурӯҳлар тармоги кенгайтирилади;

мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси яхшиланади;

нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини ривожлантирилиб, улар ўртасида соглем ракобатни шакллантириш ҳамда таълим хизматларининг турлари кўпайтирилади;

буш турган ва фойдаланилмагайтган давлат бино ва иншоотларидан самарали фойдаланишга зришлади;

5-6 ёшли болаларни мактабгача таълимимга 100 фоиз қамраб олиш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

«КУРАШ» МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кураш халқaro ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси курашни халқaro спорт мусобақалари ва турнирлари дастурларига, келгусида эса Олимпия ўйинлари дастурига ҳам кириши бўйича фаро тадбирларни амала оширимоқда.

Шу билан бирга, мавжуд айрим камчиликлар курашни янада ривожлантиришга тўскинилк кильмокда, хусусан:

Биринчидан, "Кураш" миллий спорт турини, айниқса, вояга етманлар ва ёшлар ўртасида, ўсib келаётган авлоднинг миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйгисини мустаҳкамлаш максадида оммалаштириш бўйича амала оширилаётган ишлар замон талабларига жавоб бердагайтиш;

Иккинчидан, мазкур спорт турнири бўйича кобилияти курашчиларни аниқлаш ва саралаш ҳамда уларнинг машқ қилиши, шунингдек, муррабий ва ҳакамларни тайёрлашнинг самарали механизмларни жорий этиш имконини берадиган клуб ва секцияларнинг яхлит тизими шакллантирилмаган;

Учинчидан, ёшларни ушбу спорт турнири билан шуғулланишга кенгрок жалб этишга қаратилган халқaro

мусобақаларни рафтаблантиришнинг самарали тизими жорий этилмаган;

Тўртнинчидан, зарур моддий-техника базаси ва спорт инфратизмларининг етарли эмаслиги, спорт анжомларини ишлаб чиқиш ўйла кўйилмаганлиги спортчилар машгулотларни талаб дараражада ташкил этишига ҳамда кураш бўйича халқaro мусобақаларни ўтказишга тўскинилк кильмокда.

"Кураш" миллий спорт турини аҳоли, айниқса, вояга етманларни ва ёшлар ўртасида янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш, ўсib келаётган авлодда миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйгисини мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятда соглем турмуш тарзини тарғиб килиш ва жаҳон спорт майдони юқори натижаларга зришшини таъминлаш мақсадида:

1. 6 сентябрь — "Кураш" миллий спорт турнири курашни сифатида белгилансан;

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси иккича ҳафта муддатда, жумладан, кўйидагиларни зарзарада тутувчи "Кураш" миллий спорт турнири янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқисин ва тасдиқласин;

Нукус шаҳри ва вилоят марказларидан "Кураш" миллий спорт турнири марказлари, ҳар бир туман (шаҳар)-да замонавий спорт клублари ва секцияларни ташкил этиш;

кураш бўйича республика, халқaro мусобақа ва турнирларни иштирокчиларининг автоматлаштирилган маълумотлар базасини жорий этиш;

"Кураш" йўналиши бўйича олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими мусобақаларига қабул квоталарини ошириш;

мазкур спорт турнири билан шуғулланиш учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган "яктақ" спорт кийимлари ва "кураш гилам"ларини ишлаб чиқариши ташкил этиш;

курашни, шу жумладан, реклама кампанияларини ўтказиш ва ижтимоий роликларни намойиш этиш орқали оммалаштириш бўйича медиа-режа ишлаб чиқиси;

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси "Кураш" миллий спорт турнири "Умид ниҳоллари", "Барка-

мол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари дастурига ўрнатилган тартибда киритилишини таъминлашсан;

4. Ўзбекистон кураш федерациясининг Ўзбекистон кураш Федерацияси хузурида "Кураш" миллий спорт турнири маркази" нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш ва Тошкент шаҳар, Корхоя хота кўчаси, 25-й манзили бўйича жойлаштириш тўғрисидаги таклифи маъкулансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Кураш" миллий спорт турнири марказини мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган манзил бўйича белуп жойлаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон кураш Федерацияси ва унинг бўлинмалари фаолиятини мунтазам қўллаб-куватлаш, шу жумладан, "Кураш" миллий спорт турнири маркази биносини реконструкция килиш ва маддий-техник жиҳозлаш учун ҳомийлик маблагларини жалб этиш бўйича таклифлар киритсан.

6. Кўйидаги тартиб ўрнатилсин, унга мувофиқ;

(Давоми 5-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

«КУРАШ» МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮГРИСИДА

(Давоми. Боши 1-, 4-бетларда.)

Юридик шахсларнинг солик солинадиган фойдаси (ялпи тушуми) Ўзбекистон куаш федерацияси фолиятини молиялаштириш учун йўналтирилган бадал, ҳомийлик ва хайрия ёрдам кўринишдаги маблаглар мидорига, лекин солик солинадиган фойданинг (ялпи тушумнинг) ўн фоизидан кўп бўлмаган мидорига камауда;

Ўзбекистон куаш федерацияси томонидан спортчилар ва мураббийларга топшириладиган пул мукофотлари ва кимматбахо совғалар кўринишдаги даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигидан озод қилинади.

7. Спортчиларни ҳаммабол ва сифатли спорт кийимлари ва инвентарлари билан тъыминлаш мақсадида асосий фаолияти "якта" спорт кийимлари ва (ёки) "куаш гилам"-ларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар беш йил муддатда барча турдаги соликлар ва давлат мақсади жамғармалари-

га мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинсин, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташкири Пенсия жамғармаси бундан мустасно.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташкии ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон куаш федерацияси-нинг буюртмалари бўйича куашни ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларга консульти ва бошқа йигимларни ундирилмасдан кириши визаларни расмийлаштиришни тъминласин;

Ўзбекистон куаш федерацияси-га хорижда куаш бўйича ҳалқаро мусобақалар ва турнирларни ташкил этиш ва ўтказишда кўмаклашсан;

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон куаш федерациясининг буюртмалари бўйича куашни ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларга

давлат божи ундирилмасдан кўп марталик кириши визалари берилишини ва муддатининг узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибида тъыминласин.

10. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуоти ва ахборот агентлигига спорт мусобақалари ва турнирларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ва кенг ёритиш оркали куашни оммалаштиришга кўмаклашиш тавсия этилсан;

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус тълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўймитаси, Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда куаш бўйича Осиё ўйинлари, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, шунингдек, Ўзбекистон биринчилиги галибларини олий тълим мусассасаларига имтиёзли қабул қилиш тартибини жорий этиш хақидаги;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўймитаси, бошқа манбаатдор вазирликлари ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиши тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зими масига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 2 октябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Куаш" миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түгрисида"ги қарорига шарҳ

Куаш — азал-азалдан олижаноблик, мардлик ва ҳалоллик тимсоли, ҳалқимизнинг бир неча минг йиллик тарихга эга миллий-маданий меросининг бир қисми ва бебаҳо бойлиги ҳисобланади.

Куаш ҳақидаги илк маълумотлар Сурхон ва Зарафшон воҳалари, Фарғонга водийси, Сармишой дараларида аниқланган тасвирий санъат намуналари асъ этган осори-атиқаларда, қоятошларда ва горларда учрайди.

Машхур антик тарихчи Геродот ўзининг "Тарих" асаридаги кадимда кутишимиз худудида жойлашган ҳалқлар урф-одати ва анъаналарининг бир қисми қанлигини таъкидлаб ўтган.

Булук Шарқ ҳакими ва маърифатпарвари Абу Али ин Сино асарларида куаш инсон соғлигини мустаҳкамлаш усулларидан бирни сифатида ёзтироф этилган.

Булук саркарда Соҳибқирон Амир Темур даврида куаш аскарларнинг ҳарбий ва жисмоний тайёрларигини оширишининг асосий усулларидан бирни бўлган.

Пахлавон Махмуд, Жалолиддин Мангуберди, Дарвешмуҳаммад сингари баҳодирлар куашни бутун дунёга танитишган.

Куаш нафақат спорт турларидан бирни, шу билан бирга миллий байрамлар ва ҳалқ сайилларининг ажralmas қисми ҳисобланади.

"Куаш" сўзи "ҳалол" ёйл билан галабага эришиш" маъносини англатади ҳамда ўзида мардлик, кучли ироди, ҳалоллик ва рақибга нисбатан хурматни акс этиради.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин куаш бўйича биринчи расмий турнир 1992 йил августда Шарқисбад шаҳрида ўтказилди.

1998 йил 6 сентябрда ҳозирда сайдерамизнинг беш китъасидаги 129 та миллий федерацияни бирлаштирган Куаш ҳалқаро ассоциацияси тасис этилди.

Бугунги кунга қадар дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги куаш бўйича 500 дан ортиқ ҳалқаро турнирлар ўтказилди. Юртдошларимиз орасидан 300 нафардан кўпроқ спортчилар куаш бўйича жаҳон, Осиё чемпионатлари ва ҳалқаро турнирларнинг голиб ва сорвирдорлари бўлган.

Давлатимиз ва Куаш ҳалқаро ассоциациясининг бевосита қўллаб-куватлаши натижасида "Куаш" ҳалқаро спорт турнир сифатида кенг ёзтироф этилди, "куаш", "ҳалол", "тъзим", "тўхта" ва "ёнбosh" каби атамалар эса ҳалқаро спорт сўз ва изборалари каторидан мустаҳкам ўрни эгаллади.

2010 йилда Куаш ҳалқаро ассоциацияси Олим-

пи ўйинлари дастурига киритиш учун буюртма берилшида муҳим талаб ҳисобланган Жаҳон допингтига қарши агентлигингин ёзтирофига сазовор бўлди.

2017 йил 20 сентябрда Ашхобод шаҳрида бўлғиб ўтган Осиё Олимпија кенгашининг 36-бош асамблеясида куаш тарихида или бор XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди.

Куаш ҳалқаро ассоциацияси юзбекистон Республикаси томонидан куашни ҳалқаро спорт мусобақалари ва турнирлари дастурларига, кейинчалик Олимпија ўйинлари дастурига киритиш бўйича фоаф олиб борилимоқда.

Аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўтасида куашни янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодда миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйгуларини мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятда соглом турмуш тарзини тартиб килиш ва жаҳон спорт майдонларида юкори натижаларга эришиши тъыминлаш мақсадида юзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Куаш" миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түгрисида"ги қарор кабул қилинди.

Қарорда "Куаш" миллий спорт турини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш назарда тутилди.

Дастурга мувофиқ куашни оммалаштириш ва ёшларнинг бўш вақтинча сифатли ўтказишни тъыминлаш мақсадида Нукус шаҳри ва вилоят марказларида "Куаш" миллий спорт турнирлари марказлари, ҳар бир тумон (шаҳар) да эса замонавий спорт клублари ва секциялари ташкил этилади.

Шунингдек, куаш бўйича республика ҳалқаро мусобақалар ва турнирларни доимий асосда ташкил этиш ва ўтказиш, мусобақа ва турнирлар иштирокчиларини автоматлаштирилган маълумотлар базасини жорий этиш, "Куаш" йўналишида олий ва ўтга маҳсус, касб-хунар тълими мусассасаларига қабул квоталарини ошириш, ушбу спорт турнирларни шуғулланиш учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган "якта" спорт анжомлари ва "куаш гилам"лари ишлаб чиқарishi ўйлага кўйиш, куашни оммалаштириш юзасидан медиа-режа ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Мазкур чора-тадбирлар аҳоли, айниқса, ёшлар ўтасида куашни ривожлантириш ва оммалаштириш, спорт анжомлари ва инвентарларни тайёрлаш соҳасида маҳаллий брендни яратишга, юзбекистон куаш Федерацияси фаoliyatining самараордорлигини оширишга қаратилган.

Куаш "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари дастурига киритилади.

Қарорга мувофиқ 6 сентябрда мамлакатимизда "Куаш" миллий спорт турнир куни этиб белгиланди ва бу Куаш ҳалқаро ассоциацияси ташкил топган кун билан рамзий маънода боғлиқиди.

Ўзбекистон куаш Федерациясининг маддий-техника базасини сезиларни мустаҳкамлаш, куаш бўйича спортчилар ва мураббийларнинг ижтимоий химоясини ошириш имконини берадиган қатор имтиёзлар назарда тутилди.

